
Ёшлар учун камондан отиш спорт тури бўйича маҳорат дарси ўтказилди

Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ўзбекистон тумани Қўриқлаш бўлими ташаббуси билан 21-умумтаълим мактабида камондан отиш спорт тури бўйича маҳорат дарси ташкилланди.

Ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун муносиб шарт-шароит яратиш, мазкур спорт турини кенг оммалаштириш мақсадида ташкилланган тадбирда миллий гвардиячилар ўқувчиларга камондан отиш усуллари ва камоннинг тузилиши ҳақида тушунчалар бериб ўтдилар.

Таъкидланишича, бу каби тадбирлар тумандаги бошқа умумтаълим мактабларида ҳам ўтказилиши белгиланган.

2024-12-20 09:00:25